

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 3 (11)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdullaev Elbek Abduqahhor o'g'li AMIR TEMURNING 1393 YILGI ERON YURISHI	5
2. Akbarov Ravshan Xalimovich TURKISTONDA JADID MAKTABLARI TARMOG'INING VUJUDGA KELISHIDAGI SHART-SHAROITLAR	13
3. Бобожонов Шавкатжон Улуғбекович “ҚОЗОН ТЎЛДИ” – НАВРЎЗНИНГ БОЎИЙ МАРОСИМИ	21
4. Дусчанов Расулжон Рахимбаевич ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	34
5. Israilov Nodir Rahimjonovich LYUDOVIK XIV NI HAYRATLANTIRGAN SIYMO	41
6. Karimova Nazokat Voxidjon qizi ANTIK DAVR FARG'ONA VODIYSIDA URBANIZATSIYA JARAYONLARINI TARAQQIY ETISHI	47
7. Maxmudova Muazzamxon Sultonmahmudovna AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI KUTUBXONALARI	53
8. Mo'minov Mironshoh Abdualim o'g'li THE IMPORTANCE OF SUSTAINABILITY: A PATH TO A GREEN FUTURE	61
9. Mubinov Muhammadali Akobirovich BUXORO AMIRLIGI TO'G'RISIDAGI MA'LUMOTLARNING YEVROPA MAMLAKATLARIDA OMMALASHUVI (INGLIZABON MUALLIFLAR ASARLARI ASOSIDA)	70
10. Нишонов Абдурашид Абдурасулович СЕВИНЧХОЖАХОН ХОНАДОНИ ТАРИХИ МЕМУАР АСАРЛАРДА ЁРИТИЛИШИ	84
11. Nishonov Abdurashid Abdurasulovich KELDIMUHAMMAD SULTON HUKMRONLIGI DAVRIDA FARG'ONA VODIYSIDAGI SIYOSIY JARAYONLAR	90
12. Ravshanov O'ktamali Rustam o'g'li BUXORO AMIRLIGI VA ERON MUNOSABATLARI TARIXIDAN	97
13. Raxmanova Odinaxon Ravshanbekovna., Odilov Muhammadqodir Olimjon o'g'li IBN AN-NADIMNING AL-FIHRIST ASARI TARIXIY MANBA SIFATIDA	107
14. Said Irandoust ESTABLISHING WORLD-CLASS RESEARCH UNIVERSITIES	114

15. Таниева Гулдона Мамановна МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДА ҲАЖ СИЁСИЙ БАДАРҒА ҚУРОЛИ СИФАТИДА	119
16. Хакимова Саида Бахтиёровна «ТУРКЕСТАНСКИЙ СБОРНИК» КАК ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	125
17. Yuldasheva Muslima Ma'murovna RISHTONDA CHINNI ISHLAB CHIQARISH TARIXI	132
18. Shermatova Guljahon Sultonovna XORAZMSHOHLAR DAVLATCHILIGI TARIXIGA DOIR MANBALAR XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	137

Таниева Г. М.

«Жаҳон тарихи» кафедраси профессори., т.ф.д.
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Tanieva@gmail.com

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДА ҲАЖ СИЁСИЙ БАДАРҒА ҚУРОЛИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарихий манбалардаги ва илмий адабиётлар асосида қандай омилларга кўра айрим шахсларни давлатдан бадарға, сургун қилиш учун ҳаж сафарларидан фойдаланилганлигига оид маълумотлар таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: Марказий Осиё, ҳукмдорлар, ҳаж, зиёрат, бадарға, Макка, шайх.

КИРИШ

Маълумки, ўрта асрларда ҳаж Марказий Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. Хусусан, у минтақа тарихида мусулмон киши бажариши шарт бўлган бешта фарз амалларидан бири, ҳудудларга эгалик даъвоси учун важ, тазйикдан қочиш учун сабаб, айрим шахсларни мамлакатдан, сиёсатдан четлатиш учун восита сифатида намоён бўлган. Бу ҳолат муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларининг географик жихатдан Марказий Осиёдан жуда узоқда жойлашганлиги, бу шаҳарларгача узоқ ва машаққатли сафар қилишни талаб этиши, йўлларда турли хавф-хатарлар мавжудлиги қабилар билан изоҳланади. Шу боисдан давлат ҳукмрон вакиллари айрим шахсларни мавжуд сиёсий ҳаётдан ва ҳокимиятдан узоқлаштиришни мақсад қилиб уларни ҳажга жўнатиш йўлини тутган. Уларни очикдан-очик ўлимга ҳукм қилишдан чўчиган. Чунки бундай шахслар муайян даражада нуфузга, ўз тарафдорларига эга собиқ ҳукмдорлар, йирик амалдор ёки шайхлар эди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ҳажга йўл олган Марказий Осиёнинг аксарият ҳукмдорлари аслида тахт талашиш жараёнида енгилиб, Маккага кетишга мажбур бўлган. Темурий шахзодалар Мирзо Амирак Аҳмад, Мирзо Илангир ва Мирзо Бойқароларнинг ҳукмдор Шохрухга қарши кўтарган исёни бартараф этилганда улар турли ҳудудларга бадарға қилинади. Улардан бири Мирзо Амирак Аҳмад ҳам

Маккага жўнатилган эди. Шунингдек, тахтдан воз кечган Мирзо Улуғбекнинг (1409-1449) ҳам 1449 йил 25 октябрда ҳажга йўл олган эди [8].

Аштархонийлар сулоласи вакили Имомқулихон (1611-1642) кўзи ожиз бўлиб қолгач, укаси Надрмуҳаммадхон фойдасига тахтдан воз кечиб, 1642 йилда Байтуллоҳ зиёрати учун сафарга чиқади, у Мадинада вафот этади ва Бақеъ қабристонида дафн этилади [1].

Тахтга ўтирган унинг укаси Надрмуҳаммад (1642-1645)нинг ҳаж сафари, Субхонқулихон билан ўзаро тахт талашишда енгилгани, 1650-1651 йилда Маккага йўл олишга мажбур бўлган. Лекин у ҳаж амалларини бажаришга улгурмай, йўлда Симнанда вафот этади. Хоннинг жасади Мадинадаги Бақеъ қабристонида Имомқулихон қабри ёнига дафн этилади.

1671 йилда Аштархоний Абдулазизхон Мир Муҳаммад Салимнинг отаси Муҳаммад Рустам султоннинг тахтга даъво қилишидан хавфсираб, унинг кўзига мил торттиради. Шундан кейин у ҳажга кетишга мажбур бўлади, лекин йўлда, Шохжаҳонободда вафот этади [5]. Демак, бу тоифага кирган айрим шахслар моддий имконияти етарли аммо жисмоний имкони чекланган ҳолда ҳам ҳаж сафарига жўнаганини кўриш мумкин.

Тарихий далиллар Ўрта Осиёда турли босқинлар даврида ҳам ҳаж сафарлари танг аҳволда қолган айрим ҳукмдор ёки вилоят ҳокимларининг жон сақлаши учун энг маъқул йўл саналганини кўрсатади. Масалан, 1736 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули Балхни босиб олади ва у ерда ҳукмронлик қилаётган аштархонийлар сулоласидан бўлган, лаёқатсиз Абулҳасанхонни Қандаҳор орқали Маккага жўнатади. Кейинчалик у Маккада вафот этади [6]. Шунингдек, қалмоқлар Алматадан то Тошкентгача бўлган ҳудудларни забт этганда, XVIII асрнинг 30-40 йилларида Тошкентда ҳукмронлик қилган Баҳодирхон бу вазиятдан хавфсираб, аввал Бухорога, у ердан эса Маккага ўтиб кетади. Шунингдек, Амир Ҳайдар (1801-1826) ва Насруллохон (1826-1860) даврида нақиб лавозимида бўлган Саййид Аҳмад хожа билан Насруллохон ўртасида келишмовчилик вужудга келиб, 1851 йилда ҳажга кетишга мажбур бўлган [12].

Марказий Осиё ҳудуди Россия билан Англия ўртасида талаш бўлган даврда ҳам маҳаллий ҳукмдорлар тақдирида айти шундай воқеалар рўй берган. 1838 йилда Афғонистон ҳудудини инглизлар эгаллаб олган вақтда афғон амири Дўст Муҳаммадхон Бухорога қочиб ўтади, сўнг амир Насруллодан ҳажга кетиш учун рухсат сўрайди. Лекин амир бунга изн бермагач, у хорижга қочиб чиқиб кетади. Яна Қашғар ҳукмдори Ёқуббекнинг хизматида бўлган Абдумалик Катта тўра (Бухоро амири Музаффарнинг ўғли) ҳам Ёқуббек вафотидан кейин ҳажга кетишга мажбур бўлади [9].

Шунингдек, Хива хонлигида ҳам айрим ҳукмдорлар сулола вакиллари ҳаётида ҳаж сафари айнан сиёсий тазйиқ, сургун воситаси сифатида акс этган. Масалан, хонликда ўзаро тахт талашиш оқибатида 1621 йилда Асфандиёр (1623-1642) Макка сафарини танлашга мажбур бўлган [2]. Маккага йўл олган Асфандиёр Эрон шоҳи Аббос саройида бўлади ва унинг ёрдамида Хивага қайтиб тахтни ўз қўлга олади.

Қўқон ҳукмрон сулоласи вакилларида бири бўлган, Муҳаммадҳакимхон Тўра ҳам ҳажга бадарға қилинган. Муҳаммад Алихоннинг (1822-1842) ҳокимият тепасига келиши билан Маъсумхон ва унинг ўғли Муҳаммадҳакимхон Тўралар тазйиққа учрайди. 1827 йилда Муҳаммадҳакимхон Тўра гўё ҳажга кузатиб қўйилаётганидек маблағсиз хорижга чиқариб юборилади. У Россия орқали Маккага кетиб, бир неча йилдан сўнг Эрон орқали ватанига қайтади [10, 13].

Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинган, унинг хони Худоёрхоннинг худди шундай аҳволга тушади. Худоёрхон учун ҳажга кетиш омон қолиш учун танланган йўл бўлган ва у 1878 йилда ҳаж маросимида қатнашиб, хорижда вафот этади [14].

Сиёсий ҳокимиятдан четлатилган ҳукмдор ёки амалдорлар доим ҳам ҳаж баҳонасида тазйиқ ёки хавфдан қутилиб қола олмаган. Масалан, Абулфайзхонни (1711-1747) тахтга ўтказиш ниятидаги амирлар Меҳтар Қобулий, Жавшан қалмоқ бошчилигида 8 минг танга эвазига Убайдуллахонни (1702-1711) ўлдириш учун тил бириктиради. Убайдуллахон ҳам амирлардан ҳажга кетиш учун рухсат сўрайди, аммо улар Убайдуллахонни қатл эттиради [3].

Сиёсий курашлар авж олган даврларда айрим саройга яқин шахслар, исёнчи амалдорлар ҳам ҳажга бадарға қилинган. Масалан, Ҳусайн Бойқаро даврида хожа Афзалиддин Муҳаммад, хожа Мажиддин ва Алишер Навоийнинг укаси, Балх ҳокими амир Низомиддин Дарвиш Али (у Ҳусайн Бойқарога қарши исён қилади ва тахминан 1492-/93 йилда ҳажга кетиш учун ижозат берилади) каби сарой хизматида бўлган амалдорлар ҳам гоҳ тухмат, гоҳ уларнинг ҳукмдорларга қарши кўтарган исёни сабабли ҳажга бадарға қилинган [15]. Шунингдек, 1585 йилда Қобул ҳокими Мирза Ҳаким вафот этиши билан бошланган тартибсизларга сабаб бўлган Феридун исмли шахс ҳам Акбаршоҳ томонидан Маккага сургун қилинган. 1530-1575 йилларда Бадахшонда ҳукмронлик қилган Сулаймон 1574/1575 йилда набираси Шохруҳ томонидан сиқиб чиқарилган, Маккага жўнаб кетади. Демак, фақат Ўрта Осиё хонликларида эмас, балки бошқа мусулмон давлатларида ҳам ҳокимият талаш бўлган вақтларда ҳаж сафари сиёсий сургун, бадарға сифатида намоён бўлган. XVI асрнинг 80-йилларида Абдуллахоннинг ўғли

Абдулмўминни Бадахшонда Муҳаммад Замон Мирзо кўтарган кўзғолонни бостириш учун жўнатади, ҳали гўдак Муҳаммад Замон ва унинг онаси асирга олинганади, аммо мирзо Маккага қочиб кетади [7].

Муҳаммад Назарбий додхоҳ билан Абдуллахон ўртасида келишмовчилик пайдо бўлганида, додхоҳ “*гуноҳларини ювиш учун*” ўғиллари – Шодибек, Бокибой ва Қурбонбийлар билан бирга Ҳинд йўли орқали ҳажга кетишга мажбур қилинади [11]. Шунингдек, Убайдуллохон қатл этилгач, ҳукумат ишларини ўз қўлига олган Жавшан қалмоқ собиқ хонга яқин кишилар қаторида Хожа Давлат, Хожа Ниҳолларни ҳам саройдан четлатади. У бошчилигидаги амирлар бу шайхларнинг мол-мулкани тортиб олиб, Маккага жўнатади. Лекин уларнинг изидан одам қўйиб, Қорақўлга етганда ўлдиртиради [4]. Демак, ҳокимиятга, бойликка эга чиқиш мақсадида мажбуран ҳажга жўнатиш кўпинча зиёратчи ҳукмдор ва шайхларни ўлимга ҳукм қилиш билан баравар бўлган.

Баъзи вақтларда ҳажга сургун қилинган айрим амалдорлар кейинчалик авф этилгач, яна қайтадан давлат хизматида олинган ёки аксинча ҳажга кетган ё жўнатилган кўпгина зиёратчилар ўзга юртларда умрбод қолиб кетган. Уларнинг ватанларига қайтиб келиши масаласи мавжуд сиёсий вазиятга қараб белгиланган. Тахтдан ихтиёри билан воз кечган ёки тахтдан туширилган собиқ ҳукмдорларнинг аксарияти умрининг охиригача муқаддас шаҳарлар қолган. Аштархонийлар сулоласи вакиллари – Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад, Имомқулихон, Надрмуҳаммадхон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон, Убайдуллохон, Абдулмўмин, Абулғозихонлар Мадинада дафн этилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ҳаж сафарлари Марказий Осиё халқлари ҳаётида нафақат Маккадаги Каъбани зиёрат қилиш фарзини адо этиш учун ташкил этилган муқаддас зиёрат саналган, балки сиёсий сургун, бадарға, тазйикдан қутилиш йўли сифатида ҳам намоён бўлган. Ўзаро тахт учун курашда енгилган собиқ ҳукмдорлар, шахзодалар, ҳамда саройга ёки сиёсий ҳаётга яқин йирик амалдорлар, шайхлардан қутилиш учун тўғридан-тўғри ўлимга ҳукм қилиш айрим вақтларда ҳукмрон тараф учун хавфли бўлган. Чунки бундай шахслар юқори қатлам ва оддий халқ орасида ўз тарафдорларига эга бўлган. Шунинг учун бундай вазиятларда ҳаж сиёсатдан, ҳокимиятдан узоқлаштирилиши керак бўлган шахсларни тўғридан-тўғри қатл этишдан қочиш, аммо омон қолиш мушкул бўлган узоқ сафарга жўнатиш орқали улардан осон қутилиш йўли саналган. Чунки Марказий Осиёдан Маккага боровчи барча йўллар жуда узоқ ва машаққатли сафарни талаб этган, турли табиий ва инсон омили билан боғлиқ хавф-хатарлар, юқимли касалликлар,

сув тошқинлари, очлик, жазирама ёки совуқ об-ҳаво, қароқчилар ҳужуми, жисмоний толиқиш каби қийинчиликларни енгиб манзилга етиб бориш ва соғ-саломат ортга қайтиш кам сонли зиёратчиларга насиб этган. Мана шу сабабли ўрта асрларда муқаддас ҳаж сафарларидан сургун, бадарға воситаси сифатида ҳам фойдаланилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

- 1.Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддиқий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар Ғ.Каримий, Э.Миркомиллов. – Тошкент: Моварауннахр, 2016. 246-бет.
- 2.Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ.Муниров, Қ.Маҳмудова. – Тошкент: Чўлпон, 1992. 165-бет.
- 3.Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI –первой половине XIX века. Том I, – Ташкент: Фан, 1966. – С. 180.
- 4.Абдуррахман-и Тали. Тарих-и Абу-л-Файз-хан. (История Абулфейз-хана) / Перевод с персидско-тадж., предисл, прим. и указ. А.А.Семенова. – Ташкент: Фан, 1959.– С. 25, 30, 36-37, 147.
- 5.Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. (Қадимга замон ва ўрта асрлар). – Т: Ўқитувчи, 2001. 233-бет.
- 6.Аҳмедов Б.А. Истрия Балха. (XVI–первая половина XVIII в.). – Ташкент: Фан, 1982. – С. 233.
- 7.Бартольд В.В. Очерки о командировке в Туркестан. Сочинения. Том VIII. – М. 1973. – С. 194.
8. История Узбекистана (Эпоха Амира Темура и Темуридов) / Отв.редакторы Э.В. Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Т: Фан, 2017. – С.86.
- 9.Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и мангития (История мангитских государей) / Изд. текста, предисл., перевод и прим. Л.М. Епифановой. – Москва. 1962. – С. 177. 109.
- 10.Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изохлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 8-бет;
- 11.Низомиддинов И.Ғ. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. – Тошкент: Фан, 1966. 31-32-бетлар.
- 12.Саййид Аҳмад Хожа. Саёҳатномаи Саййид Аҳмад хожа / ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. – Инв. № 4292. 5а, 50а-варақлар.
- 13.Таниева Г.М. XVI–XIX аср ўрталарида ҳаж зиёратининг Ўрта Осиё халқлари маънавий, мафкуравий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни/ Тарих фанлари док. (DSc) ил.даража олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т. 2022. 22-бет.

14. Умидий Марғилоний Умар қори. Мактубчаи хон / Нашрга тайёрлаган тадбилчи О.Ҳ.Жалилов. – Т. 2007. 44-бет.

15. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. (“Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст”) / Форс тилидан таржима ва муқаддима муаллифлари Ж.Ҳазраткулов, И. Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 791-793, 821, 897-бетлар.

Таниева Г. М.

Д.и.н., профессор кафедры «Всемирная истории»
Ташкентский государственный Педагогический университет имени Низами
Tanieva@gmail.com

ХАДЖ КАК ОРУДИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ССЫЛКИ В ИСТОРИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются сведения из исторических источников и научной литературы о факторах, которые привели к использованию хадж для изгнания и высылки определенных лиц из государства.

Ключевые слова: Центральная Азия, правители, хадж, паломничества, высылки, Мекка, шейх.

Tanieva G. M.

DSc., professor at the Department of «World History»
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
Tanieva@gmail.com

HAJJ AS A TOOL OF POLITICAL EXILE IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The article analyzes information from historical sources and scientific literature on the factors that led to the use of the Hajj for the expulsion and deportation of certain individuals from the state.

Keywords: Central Asia, rulers, Hajj, pilgrimages, expulsions, Mecca, Sheikh.